2016 ЙИЛ 8 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (13.179)

Баҳоси эркин нархда

ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Биз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз айём бўлган бу қутлуғ сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтган ғоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг кўламли ислоҳотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Ислом КАРИМОВ





Шу йилнинг 2 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. 25 йил – муҳим сана. Давлатимиз мустақиллик йилларида чорак асрлик ғоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтди.

Бу йилги байрам **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида ўтказилади.

Қарорнинг бошланмасида мустақиллик даврида амалга оширган кенг кўламли ислоҳотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этиши айтилади.

Эришган улкан ютуқларимиз эса бир неча йўналишда қайд этилган.

Ҳақиқатан ҳам, биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

1991 йил 31 августида мустақиллигимиз эълон қилинди. Ўтган 25 йил мобайнида дунё харитасидан *Ўзбекистон Республикаси* деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуғ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

Ўтган чорак аср мобайнида биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни ўйласак, аввало: *"Ким эдиг-у, ким бўлдик?"* – деган ҳаётий саволга жавоб излаймиз. Табиий равишда: *"Эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?"* – деган қатъий мақсадни белгилаймиз ва албатта кўзлаган эзгу орзуларимизга эришамиз.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, биз дунёдаги тарихан буюк тараққиёт босқичларини босиб ўтган халқмиз. IX – XII, XIV – XV асрлар тамаддуни (цивилизацияси) юксак даражасини кўз олдимизга келтирайлик. Бу даврларда халқимиз тараққиётда дунёнинг олди ўринларидан бирини эгаллаб турганлиги тарихдан маълум.

Аммо кейинчалик қарийб бир ярим асрга чўзилган мустабидлик даврида юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани, халқнинг руҳи топталганини тасаввурга келтириш қийин эмас. Буни ёши улуғ вакиллар жуда яхши билади.

Биринчидан, халқ сиёсий жиҳатдан ҳуқуқларидан тамоман маҳрум қилинди. У ҳамма масалада собиқ марказдан сўраш, унинг қошу қовоғига қараб иш кўришга мажбур этилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди. Чунки иқтисодиётнинг "олтин" қоидаси шуки, ҳеч қачон хомашё сотган бой бўлмайди. Мамлакатимизда ўша йиллари етиштирилган 5 миллион тоннадан ортиқ пахтанинг атиги 8 – 10 фоизигина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган бегона ҳудудларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўкис кўз олдимизга келтириш учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 1990 йил 4 июнида қайд этиб ўтилган мана бу маълумотларга диққат қилайлик:

"...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди... Ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса – иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

(Давоми 2-бетда)

Жорий йилнинг 23-24 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси арафасида "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири Москвада Россия парламенти сенатори, ШҲТ собиқ бош котиби Дмитрий Мезенцев билан суҳбатлашди. У бўлажак Тошкент саммити ва ундан кутилаётган қарорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Д. МЕЗЕНЦЕВ:

"ШҲТ ТОШКЕНТ САММИТИ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА БЎЛАДИ"

— Дмитрий Федорович, ШҲТ мустаҳкамланишида ва унинг янада ривожланишида Ўзбекистон ташаббусларининг тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Шуни қайд этиш муҳимки, ШҲТ фаолият кўрсатиб келаётган 15 йил мобайнида юртингиз учинчи маротаба ушбу ташкилотга раислик қилишдек юксак масъулиятни ўз зиммасига олмоқда. Мамлакатингиз раислиги бирлашмамизнинг юбилейига, муҳим ҳамда масъулиятли даврига тўғри келдики, бу тизим фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш имконини беради.

Биз Ўзбекистон раислиги йилларида илгари сурилган ва ҳаётга тадбиқ этилган ташаббусларни яхши эслаймиз. Айнан мамлакатингиз шафеълигида ШҲТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом қабул қилинди, ШҲТнинг кузатувчилар билан ҳамкорлиги тартиби белгиланди. Мазкур ҳужжат амалиётга жорий этилганидан сўнг, 2004 йили Мўғулистон, 2005 йили эса Ҳиндистон, Эрон ҳамда Покистон, 2012 йили Афғонистон кузатувчи давлат мақомини олди.

Шу билан бир қаторда, биз ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон томони олиб бораётган ишларга катта ҳурмат билан қарашимизни алоҳида таъкидлаши истардим. ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси 2004 йилдан буён доимий асосда Тошкентда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан ушбу ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари Котибларининг учрашуви институти тузилган ҳамда у мунтазам тус олгани ҳолда ҳар йили ўтказиб келинаяпти. Бу йил республика пойтахтида Хавфсизлик кенгашлари Котибларининг кенг доирадаги навбатдаги учрашуви муваффақиятли ўтди. Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида таклифларни илгари суриш, нуқтаи назарларни таққослаш, вазиятни аниқ-равшан таҳлил этиш бирлашмамиз учун жуда муҳимдир. ШҲТ ташкил топган 2000-йилларнинг бошида бўлгани сингари бугунги кунда ҳам ташкилот минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорлик таъминланишини асосий устувор йўналиш сифатида кўраётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Республикангиз ҳамиша самарали савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг тарафдори бўлиб келаётгани баробарида маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг янги даражага кўтарилишига ҳам кўмаклашаяпти.

— Мазкур тизим таркибини кенгайтириш юзасидан Уфа учрашувлари ва келишувлари чоғида эришилган қарорларнинг амалга оширилиши нуқтаи назаридан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг бўлажак Тошкент саммити аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Маълумки, ҳар йили бўлиб ўтадиган ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида ўта муҳим, катта аҳамиятга молик ҳамда кенг қамровли қарорлар қабул қилинади, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтадиган саммит алоҳида аҳамият касб этади.

Ташкилотнинг кенгайиши, яъни Ҳиндистон ва Покистоннинг янги мақомдаги — тенг ҳуқуқли аъзолар сифатида унга қўшилиши юзасидан ўтган йили Уфада қабул қилинган қарорнинг қўллаб-қувватланиши кутилмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, ҳозир томонларнинг ташқи ишлар вазирликлари, миллий мувофиқлаштирувчилари ҳамда бошқа вакиллари шуғулланаётган ишлар, яъни ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига киритиладиган масалаларнинг салмоғи жуда катта ва ғоят аҳамиятлидир.

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг бундан кейинги ривожланишини ҳамда ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини қандай баҳолайсиз?

— Ўтган йил май ойида БМТ шафеълигида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ижроия тизимлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда кўпгина ҳамкасбларимиз таъкидлаганидек, ШҲТ – барқарорлик ҳудуди ҳисобланади. Бу фикр ҳам мазкур ташкилотнинг муваффақиятли келажакка эга эканлигини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан, кўп томонлама мулоқотнинг консенсус тамойили фундаментал аҳамиятга эгадир. Ўйлайманки, бундан кейин вақт ҳамда ҳаёт тақозо этадиган энг мураккаб масалаларнинг ечими бўйича ана шундай бўлиб қолади.

— Тошкентда бўлиб ўтажак Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига қандай тилакларингиз бор?

— ШҲТнинг 2016 йилги Тошкент саммити тарихий аҳамият касб этишига ҳеч ким шубҳа қилмайди, деб ўйлайман. Давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ташкилот нуфузини сезиларли даражада ошириши билан бирга унинг янада кенгайишини ҳам таъминлайди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳудуди ҳамиша барқарор, тинч-осойишта бўлишини ва янада гуллаб-яшнашини тилайман.

"Жаҳон" АА,
Москва

"ЮРТИНГИЗДА БАРКАМОЛ, БИЛИМЛИ АВЛОД ВОЯГА ЕТМОҚДА"

Лондонда таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликка бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Бирлашган Қиролликдаги элчихонаси томонидан Вестминстер университети билан биргаликда ташкил этилди.

"Туманли альбион" пойтахтидаги машҳур "Regent Street Cinema" кино саройида уюштирилган мазкур анжуманга мамлакатнинг жамоат ва давлат арбоблари, парламент аъзолари, хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ходимлари, ишбилармон доиралар, сайёҳлик компаниялари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат икки юз нафарга яқин киши ташриф буюрди.

Мулоқот доирасида суратлар кўргазмаси ва "BBC" телерадиокорпорацияси томонидан тайёрланган "The Silk Road" ("Ипак йўли") ҳужжатли фильми тақдимоти ҳам ўтказилди.

Вестминстер университети ректори Жеффри Петтс қатнашчиларни қутлар экан, Тошкентдаги 2002 йилда очилган Халқаро Вестминстер университети Марказий Осиёда ягона ҳисобланиши, бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон андозаларига мос келадиган таълим даражасига ўтиш борасидаги муваффақиятли тажрибаси эканини айтиб ўтди. Профессорнинг қайд этишича, мазкур олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларнинг интеллектуал салоҳияти юксак баҳога лойиқдир.

Ж. Петтс юқорида номи тилга олинган ҳужжатли фильм юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, бу киноасарнинг Лондондаги нуфузли кинозалда намойиш қилинаётгани ўзига хос рамзий маънога эга эканлигини таъкидлади.

— Ўзбек замини дунёга кўплаб буюк давлат арбоблари, олиму мутафаккирларни етиштириб берган, — дея алоҳида эътироф этди жаноб Петтс. — Улар жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшишган. Бугунги кунда ушбу бебаҳо меросннинг салоҳияти янада бойиймоқда. Зеро, Ўзбекистон ҳар томонлама баркамол, билим даражаси юқори бўлган авлодни вояга етказиш йўлидан бораяпти. Давлатнинг таълим соҳасида рўёбга чиқараётган сиёсати бунинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 3-бетда)

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Пойтахтимизда "Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш қонунчилиги ва амалиёти: миллий ва хорижий тажриба" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ташқи ишлар, Иқтисодиёт вазирликлари, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Фанлар академияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари аъзолари, вазирлик ва идоралар, дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Латвия, Россия, Чехия каби мамлакатлардан олимлар, мутахассислар иштирок этди.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарёда ўтказилган "Юрт келажаги" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида 335 нафар иштирокчи архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва журналистика йўналишларида истеъдодини намойиш этди.

• Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими, Жиззах политехника институти ҳамкорлигида ўтказилган, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари, Экоҳаракат фаоллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этган давра суҳбати "Экология ва замон" деб номланди.

• Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрининг "Ёшлик" массивида ёш оилалар учун қурилган 32 хонадондан иборат "Камолот" уйи фойдаланишга топширилди.

• Сирдарёда "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Тошкент ҳарбий округи дала-ўқув майдонларидан бирида округ қўшинларининг навбатдаги ҳарбий-амалий конференцияси ва кўргазмали тактик ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

• Бухоро вилоятининг Вобкент туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Франциянинг "Louis Vuitton" модалар уйи томонидан миллари йўқ цифер-блат яратилди. Мазкур қурилмада митти денгиз байроқларига кўзингиз тушади. Айнан улар соатни кўрсатиб турса, дақиқаларни спидометрдан билиб олиш мумкин.

• Ғарбий Европа, жумладан, Германия ва Францияда кучли сув тошқинлари рўй берди. Бунга Сена дарёси сатҳи охирги 30 йилда энг баланд даражага кўтарилгани сабаб бўлди. Оқибатда Франциядаги Немур шаҳарчасида яшовчи 3000 киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Қутқарув ишларига 50 нафар ғаввос, 25 та катер ва 6 та вертолёт жалб этилган.

• Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши тўғрисидаги масала теледебатларда ҳам муҳокама қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти".

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Республикада аҳолининг тўртдан уч қисмини ўзбеклар ташкил этиши, турли миллатлар вакилларидан иборат яна 15 фоиз аҳоли ўзбек тилини яхши билишига қарамай, ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили эмас эди. Ҳатто, ўзбек тили ва адабиёти ҳақидаги диссертациялар ҳам рус тилида ёзилиб, ёқланар эди. Мустабид даврида миллат аввал арабий, кейин лотин, ундан сўнг эса кирилл ёзуви асосидаги алифболарда савод чиқаришга мажбур қилинди. Мақсад – халқни ўз ўзанларидан маҳрум этиш, меросидан айириб қўйиш, шу тарика унга тарихини унуттириш эди. Муқаддас динимиз бадном қилинди, у билан боғлиқ барча қадриятларимиз, зиёратгоҳ ва қадамжойларимиз топталди. Масжиду мадрасаю хонақоҳлар ҳаттоки, маъданли ўғитлар сақланадиган омборларга айлантирилди.

Ҳолбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдизларига суянган ҳолда равнақ топади. Мустақиллик йилларида бу ҳақиқат тўла-тўкис тасдиғини топди.

Чорак аср мобайнида мамлакатимиз иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 12 баробардан зиёд ошди, олтин-валюта заҳираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб боряпти. Мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётир. Аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бормоқда.

Кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришаётган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, ривожланган мамлакатларни ҳам қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганини кузатиш мумкин.

Ҳақиқат қиёсда аёнлашади, деган гап бор. Мустақилликдан олдинги 1990 йили юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган. Ҳозирги вақтда эса уларнинг 96 фоизи мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариляпти. Ёки эндиликда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 – 92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётир. Мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган мулкдорлар синфи жадал ривожланяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилмоқда.

Бу ишларнинг бари аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайди.

Юртимиз илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Буни иқтисодиётимизда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётганидан ҳам билиб олиш мумкин. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Бизда бу ютуқлар билан чекланиб қолинаётгани йўқ. **2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган аниқ мезон ва омиллар мавжуд.**

Хўш, бу муваффақиятларга нималар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

Қарорда таъкидланадики: ***"Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омилини аввалambор тараққиёт йўлимизда тўсиқ бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор".***

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Биз эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етишини энг муҳим ишларимиздан деб билдик. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 2009 йил 13 апрелдаги, **"2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"** 2009 йил 1 июлдаги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу ишлар қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ишчи комиссиялари ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари ва ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг 26 ноябрь куни Тошкентдаги "Маърифат маркази" мажмуасидаги Симпозиумлар саройида "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди.

1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч баравар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. **Шу ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонимиз "Save the children" ("Болаларни асрайлик") ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.**

Бизга жисмонан соғлом, маънан етук, замон талаблари даражасидаги маърифатли ёшлар керак. Бунинг учун таълим тизимини юксалтириш зарур. Чунки дунёда, *таълим тизимига сарфланган маблағ – ҳеч қачон зое кетмайдиган капитал,* деб ҳисобланади. Ахир, тараққиётни ким амалга оширади? Одамлар. Таълим тизимини такомиллаштириш – *одамнинг билимини ошириш, унинг сифат даражасини ошириш,* деган гап.

Бу борада 1997 йилдан буён изчил ҳаётга татбиқ этиб келинаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этди. **Натижада ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.**

принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг Ўзбекистон танлаган "ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди". Халқаро конференция иштирокчилари резолюцияда Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича танланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда тавсиялар қабул қилди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг моддий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида 2012 йил алоҳида ўрин тутади. Ўша йили 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони имзоланди. 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Шу тарика мамлакатимизда бундан буён фақат магистр ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида" шу йилнинг 13 майида қабул қилинган Фармони мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг изчил давоми ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида она юртимиз, унинг барча минтақалари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чиройи тобора очилиб, гўзал қиёфа касб этди. Бу эса шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини орттиришга хизмат қилиб, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.





ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ











Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгилаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти. Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги **"Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ҳам шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Мазкур қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

Ушбу қарорга асосан, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти – Наманган муҳандислик-технологик институтига, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти – Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига айлантирилди. Бу ўчала олий таълим муассасасининг янги йўналишида замонавий технологиялар сари модернизациялаш тамойили яққол кўриниб турибди.

2012 йил 16 – 17 февраль кунлари Тошкентда халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти"** мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар қатнашди. Конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов **"Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад"** мавзусида нутқ сўзлади. Конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: ***"Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш***

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда уч буюк йўл қурилди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент вилояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари билан боғлайдиган Қамчиқ довони. 1998 йили бошланиб, қисқа бир муддатларда, яъни 2000 йили фойдаланишга топширилган бу улкан йўл қурилиши – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу тарика мамлакатимиз орқали автомобиль йўли билан Хитойгача бориш учун зўр имконият очилди.

Фарғона водийси – соф жўғрофий тушунча. Чор атрофи тоғ билан ўралган бу ҳудудда Ўзбекистонимизнинг уч (Андижон, Наманган, Фарғона), Қирғизистоннинг уч (Боткент, Жалолобод, Ўш) ва Тожикистоннинг бир (Сўғд) вилояти жойлашган. Водийни тоғлар ҳар тарафдан ўраб олган. Фақат бир жойдан – Бекобод тарафдан табиий "дарвоза" бор.

Фарғона водийсидаги уч вилоятимизда мамлакатимизнинг қарийб 10 миллион кишидан иборат аҳолиси яшайди. Эскидан мавжуд Қамчиқ довонининг илон изи йўлларидан қиш маҳаллари юришнинг мутлақо иложи йўқ эди. Ёз пайтлари ҳам бу тор йўлдан транспортнинг бугунги талаблар даражасидаги катта оқими учун ҳеч қандай имкон йўқ эди. Тожикистон орқали ўтган катта магистраль йўл билан юришга эса, биринчидан, узоқ масофани айланишга тўғри келар, иккинчидан, бу қўшни мамлакат яқин-яқинларгача тинч эмас, учинчидан, бир мамлакат ичида қўшни минтақага иккинчи бир давлат ҳудуди орқали юриш ҳар тарафлама қимматга тушар эди.

Шу маънода, *давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон мустақиллик йилларида бунёд этган энг буюк қурилиш – **Қамчиқ довони** бўлди,* деб баралла айта оламиз. Бу узоқни яқинлаштирган, муҳим стратегик аҳамиятга эга буюк иншоот ҳисобланади. Қоялар кесилиб, йўл кенгайтирилди, баланд тоғлар устида жойлашган магистраль пастроқдан ўтказилди, бири 1.100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель қазилди.

Ёш, энди қаддини ростлаб олаётган бир миллий давлат учун бу нақадар катта ютуқ эканини бугун барча тушуниб етмоқда.

Биринчидан, бу водийда яшаётган аҳоли мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан осон боғланди, юкини олиб келиши, етиштирган маҳсулотларини, жумладан, Асака шаҳрида ишлаб чиқарилаётган автомобилларни олиб чиқиши учун қулай имкониятга эга бўлди. Иккинчидан, водийдаги ишлаб чиқариш корхоналари хомашё билан таъминланяпти, айниқса, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводларига Ангрендан катта-катта махсус машиналарда кечаю кундуз нефть хомашёси ташиляпти.

Шу тарика мамлакатнинг шарқи коммуникатив жиҳатдан мустаҳкамланди.

Юртимиз шимолида жойлашган икки минтақамиз – Қорақалпоғистон Республикаси билан Хоразм вилояти ҳам маълум даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёққа борадиган темир йўл Туркманистон ҳудудидан ўтар, Бухоро вилоятидан чиққанидан кейин қўшни давлат чўллари узра нақ бир кун юрар эди. Аввало, вақтдан ютқазилар, қолаверса, ҳар бир вагон ҳудудидан ўтгани учун қўшни давлатга каттагина бож тўланар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган **Навоий – Учқудуқ – Султонувайстоғ – Нукус темир йўли** ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятлари – ўзаро қўшни. Бироқ Қаршидан Термизга бориш учун поезд аввал Қашқадарё вилоятидан Туркманистон ҳудудига ўтиб, у ерда соатлаб юриши ва кейин Сурхондарё вилоятига кириб келиши керак эди. 2007 йилнинг августида жами 223 километрни ташкил этган **Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон йўли** ишга туширилди. Шу тарика жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маҳкам уланди.

2011 йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди қатнови йўлга қўйилди. 215 йўловчини ташиш имконига эга бу поезд 2 соатда манзилга етади. Ҳозир ҳар куни 2 та поезд шу йўналиш бўйича юряпти. Ўтган йили бу замонавий тезюрар электропоезд Қаршига ҳам қатнай бошлади. **Бу йил Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги байрами арафасида Тошкент – Бухоро бўйича ҳам ана шундай тезюрар поезд қўйилиши кўзда тутилган.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг таҳлил этилаётган Қарорининг 5-бандида: ***"Байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрилсин"***, – деб белгиланган.

Шу кунларда Қамчиқ довони бўйлаб замонавий темир йўлни ишга тушириш учун қизғин тайёргарлик кетяпти. Ангрендан Поп, Попдан эса Ангрен томонга қараб қурилиш давом эттириляпти. Бунёд этилаётган янги темир йўл кун сайингина эмас, соат сайин бирбирига яқинлашиб, масофа тобора қисқариб келяпти. **Бу йил мамлакатимиз тарихига бунёдкорлик намунаси янглиғ кирадиган ана шу улкан темир йўл ишга туширилади.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 2009 йил 3 августдаги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча қишлоқ туманларида янги уй-жой массивлари барпо этилди, намунавий лойиҳалар бўйича кредит шартномаси асосида якка тартибдаги уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу янги массивларимизда аҳолининг яхши яшаши учун қулайликлар яратиш ишлари жадал давом эттириляпти. Бу турар жой массивларида ижтимоий аҳамиятга молик объектлар ҳам қурилмоқда. Бундай уйларга кўчиб яшаётган фуқаролар мавжуд шароитларнинг шаҳардагидан асло қолишмаслигини таъкидлаб, шукроналик билдирмоқда.

Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Чиндан ҳам, бугун туман марказларигина эмас, ҳатто, қишлоқларимиз ҳам замонавийлашиб, тобора обод ва гўзал бўлиб боряпти.

2013 йил 16 – 17 апрель кунлари Тошкентда **"Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили"** мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, 60 дан ортиқ мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этган бу анжуманда Ўзбекистонимизнинг бу борадаги бой тажрибаси ўрганилди. Конференция иштирокчилари, ***Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларини бошқаларга ибрат бўлишга арзийди,*** деб тан олишди.

Шуни унутмаслигимиз керакки, бугун биз ўта таҳликали ва қалтис замонда яшаяпмиз. Ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлашимиз зарур. Миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш бугун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни ҳар биримиз чуқур ҳис этишимиз даркор.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда яқин ва узоқ қўшнилари билан олиб бораётган дўстона алоқалари, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаро теран англаши лозим.

Шу ойда Ўзбекистон раислигида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида ҳам, кўплаб долзарб масалалар қатори, минтақада ва жаҳонда тинчлик-осойишталикни таъминлаш муаммосининг кенг ва атрофлича муҳокама қилиниши кўзда тутилган.

Инсон учун она Ватанидан азизроқ макон йўқ бу дунёда. Чунки **Ер юзида Ўзбекистонимиз – яккаю ягона. Биз у билан ҳамиша фахрланамиз. Бунга унинг бой ўтмиши ҳам, равнақ топаётган бугуни ҳам, порлоқ келажаги ҳам тўла асос бўлади.**

Халқ учун тарихининг ҳар бир даври муҳим. Бироқ Ватан ва халқ тарихининг сўнгги чорак асри биз учун улкан аҳамиятга эга. У мустақиллик берди. ***Ҳеч кимдан кам бўлмаганимизни баралла айтдик, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни кўрсата олдик, бундан кейин ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга ишончимиз комил.***

Олим МАҲМУДОВ

* * *

Муҳтарам газетхонлар!

Хабарингиз бор, газетамиз ҳар йили Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида мустақилликка эришиш учун кураш йиллари ва истиқлол даври тарихини кенг, изчил ва атрофлича ёритиб келади.

Истиқлол йилларида турли соҳалар бўйича таҳлилий материаллар бериб бориш анъанасини бу йил ҳам давом эттирамиз. Уларда Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизида турган асосий омил ва мезонларни очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Пойтахтимизда умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасидаги "Инглиз тили билимдонлари" интеллектуал мусобақасининг мамлакат босқичи ўтказилди.

ЗУККОЛАР БАҲСИ

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ёшларимиз учун хорижий тилларни ўрганишда улкан имкониятларни очиб берди.

– Мазкур қарорга мувофиқ мактабларнинг 1-4-синфларида ҳафтасига 2 соатдан чет тили фани ўқитиш йўлга қўйилди, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдураҳим Носиров. – Биринчи синф ўқувчилари учун "Kid's English", "Deutsch macht spab" ва "Hirondelle" дарслик-мажмуалари яратилган. Ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланма ва мультимедиали дискдан иборат мазкур мажмуалар мактабларда тажриба-синовдан ўтказилгач, нашриётларда чоп этилди.

"Инглиз тили билимдонлари" интеллектуал мусобақасини ўтказишдан мақсад умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, уларни инглиз тилида мулоқотга киришишга, зукколик ва топқирликка ўргатиш, билимга қизиқишини оширишдан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари ва академик лицейларнинг жамоалари танловнинг якуний босқичида иштирок этди.

Тошкент шаҳар жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Бухоро ва Андижон вилоятлари жамоалари иккинчи, хоразмлик ўқувчилар учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорлар диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

А.ҚИЁСОВА

ЭКОЛОГИЯ ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан ўтказилган экология ҳафталиги доирасида "Табиатни асраш – Ватанни асраш демакдир" деб номланган тадбир ташкил этилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш, табиий захираларни асл ҳолича сақлаш ва кўпайтириш, экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳолида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур тадбирда ҳам иштирокчиларга табиатни асрашга доир маълумотлар берилди. "Қушлар байрами", "Усталар шаҳарчаси", "Қушлар савдоси" деб номланган кўргазмалар ташкил этилди. Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази қошидаги болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари тадбирнинг аҳамиятини кенгроқ тарғиб этишга хизмат қилди.

– Марказимизда 45 тўгарак ташкил этилган, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази маданий ишлар ташкилотчиси Гулбаҳор Қобилова. – Уларда ўқувчиларга касб-ҳунар билан бирга, экологик маданият, табиат неъматларини асрашга доир билимлар ўргатилмоқда. Бунинг самарасида ёшларимиз турли танловларда юқори ўринларни қўлга киритмоқда.

Тадбирда фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Г.САТТОРОВА

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кристофер Аллан ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координаторининг катта маслаҳатчиси Ханс Ульрих Им ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда энергия мустақиллигини мустаҳкамлаш, экологик соф технологияларни ҳаётга жорий этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда энергетикани ривожлантиришнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни юқори техникавий ва илмий даражада давом эттириш, бу борада жаҳон тажрибасини амалиётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича яратилган ишланмалар иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида кенг қўлланилаётир.

Энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган бугунги кунда жаҳонда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, энергетиканинг бу тури атроф-муҳитга зарар етказмай, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш имконини беради.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи, яъни қуёш, шамол, биогаз энергиясидан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бораётир. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан, аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича кўплаб илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилаётир. Бу жараёнда Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг алоҳида ўрни бор. Мазкур бирлашма негизида муқобил энергия соҳаси равнақи йўлида муҳим аҳамиятга эга илмий салоҳиятни янада юксалтириш мақсадида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилинди. Қатор олий ўқув юртларида ушбу соҳа учун малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Халқаро давра суҳбати хорижий мутахассислар билан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик, уни энергия ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш, соҳага оид билимларни ошириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантириш, бу йўналишда Ўзбекистон тажрибасини халқаро ҳамжамиятга кенг намойиш этиш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш бўйича изчил ишлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз сув оқимлари, қуёш, шамол, биомасса ва геотермал ресурслар каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича катта имкониятга эга экани қайд этилди. Муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш юртимиз табиий ресурсларини келгуси авлод учун асраб қолган ҳолда, энергетикани барқарор ривожлантириш имконини беради.

– Дунёда нефть, газ ва кўмир каби анъанавий энергия ресурсларига талаб ошиб бормоқда, – деди Амалий фанлар университетининг сифат ва стратегия бўйича директори Кристиан Жакенак (Германия). – Бундай ресурсларнинг ҳажми чекланган боис, бугун кўплаб давлатлар муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳа изчил ривожланаётгани эътиборга молик. Тошкент вилоятидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишиб, Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича улкан илмий ва техникавий салоҳият мавжуд эканига гувоҳ бўлдик. Шуни айтиш жоизки, бошқа соҳалар қатори мазкур соҳанинг ҳам изчил ривожланишида Ўзбекистондаги тинчлик, иқтисодий барқарорлик муҳим омил бўлаётир. Германия Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасига илғор технологияларни таклиф этган ҳолда мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор. Ўзбекистон яқин йилларда муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича етакчи мамлакатлардан бирига айланишига шубҳа йўқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилаётир.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари гелиоэнергетика мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши эканини қайд этди. Бинобарин, серқуёш юртимизда йилнинг қарийб 300 кунида қуёш чарақлаб туради. Мамлакатимиз ялпи қуёш энергиясининг йиллик салоҳияти 51 миллиард тоннадан ортиқ нефть эквивалентига тенг. Ўзбекистонда кичик қувватли қуёш фотоэлектрик станциялари, шамол-қуёш электр станциялари, қуёш нуридан фойдаланган ҳолда иссиқ сув таъминоти тизимлари ишга туширилгани халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Тадбирда шамол энергияси, геотермал ресурслар, кичик гидроэлектростанцияларни ривожлантириш бу борада муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

– Ўзбекистонда энергия тежайдиган технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор, – деди Атроф-муҳит агентлиги катта эксперти Гилберт Ахамер (Австрия). – Мазкур давра суҳбати мамлакатингизнинг ушбу соҳадаги илғор тажрибаси билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди. Энергетика соҳасида катта имкониятларга эга Ўзбекистон муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан самараларга эришиши шубҳасиздир.

Давра суҳбатида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш жараёнига фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол жалб этилаётгани қайд қилинди. Сўнгги йилларда бундай институтлар томонидан мамлакатимиз жамғармалари ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликда турли ижтимоий объектларда муқобил энергия манбалари ускуналарини ўрнатиш бўйича ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди.

Анжуманда Ўзбекистонда муқобил энергетика соҳасидаги ишларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, соҳада замонавий ускуна ва қурилмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу борада хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш, муқобил энергия олишнинг янги технологияларини татбиқ этиш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини янада кенг жалб қилиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

"ЮРТИНГИЗДА БАРКАМОЛ, БИЛИМЛИ АВЛОД ВОЯГА ЕТМОҚДА"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тақдимот сўнгида фильм муаллифи — **таниқли инглиз тарихчиси Сэм Уиллис** сўзга чиқиб, бу минтақа халқлари дунё илм-фани, иқтисодиёти ва сиёсати равнақи йўлидаги беқиёс хизматларини янада чуқурроқ идрок қилишга кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш йўлидаги бир уриниш эканлигини айтди.

Жаноб Уиллис Марказий Осиё маданияти ҳамда тарихий меросини фаол ўрганиш келгусида Ғарб ва Шарқ халқларининг бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашида катта роль ўйнашини таъкидлади.

Айни пайтда Буюк Британиялик олим кўҳна трансконтиненталь йўлнинг марказий қисми сифатида Ўзбекистон барча соҳада янада жадал ўсишни намоён қилаётганига эътибор қаратиб, бу умуминсоний тараққиётга ўз ҳиссасини қўшиш учун мамлакатда катта салоҳият ҳамда имкониятлар мавжудлигининг яққол исботи эканлигига урғу берди.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, юқоридаги фильм "BBC" ижодий гуруҳи томонидан Ғарб жамоатчилигининг Шарқ тарихига нисбатан қизиқиши тобора ортиб бораётгани ҳисобга олиниб яратилди. Уч қисмли ижод намунасини тасвирга олиш ишлари Хитойдан то Яқин Шарққача бўлган ҳудудлардаги энг муҳим манзиллар, хусусан, юртимизда ҳам амалга оширилди.

Унда Ипак йўлининг инсоният ўтмишидаги муҳим ўрни, унинг Шарқ ва Ғарб ўртасида ғоялар, маданиятлар, динлар ва савдо алоқаларини бирлаштиргани ҳамда башарият тамаддуни ривожланишида катта аҳамият касб этганига тўхталиб ўтилган. Шулар қаторида, мазкур кўҳна транзит-коммуникация дурдонаси шаклланиши ва юксалишида диёримиз, у ерда туғилиб ўсган буюк аждодларнинг ўрни бебаҳо эканлиги ҳақида ҳикоя қилинган. Фильмда ўша даврда Моваройуннаҳрда кечган кўпгина жараёнлар XV асрда вужудга келган Европа Ренессансига асос бўлгани ҳақида сўз юритилгани бунинг тасдиғидир. Ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ёш авлоднинг сифатли таълим олиши, халқнинг бой маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш юзасидан олиб борилаётган улкан ислоҳотларга ҳам юқори баҳо берилган.

"Жаҳон" АА.
Лондон

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Сергели тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактаб ошхоналарида овқатланишни ташкил этиш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

2-мактаб	— Спутник Ц-2
3-мактаб	— Спутник Ц-2
6-мактаб	— Сергели-2
7-мактаб	— Сергели-3
8-мактаб	— Сергели-1
32-мактаб	— Чоштепа кўчаси, 267-уй
33-мактаб	— Сергели -2
47-мактаб	— Қўйлиқ-5
104-мактаб	— Сергели-4
237-мактаб	— Мирза Ҳайдар, 17-уй
264-мактаб	— Нилуфар кўчаси
266-мактаб	— Қўйлиқ-6
267-мактаб	— Ўзгариш маҳалласи
268-мактаб	— Қўйлиқ-7
269-мактаб	— Ҳ.Олимжон кўчаси, 2-уй
277-мактаб	— Қўйлиқ-6
284-мактаб	— Сергели-8
285-мактаб	— Спутник-16
300-мактаб	— Сергели-7
301-мактаб	— Сергели-8а
303-мактаб	— Узар кўчаси, 36-уй
304-мактаб	— Дўстлик-2 мавзеси
305-мактаб	— Қурувчилар мавзеси
317-мактаб	— Сергели-7
322-мактаб	— Сергели-5

Танлов 2016 йил 15 июль куни соат 10.00 да Сергели тумани ҳокимияти кичик залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сўғдиёна кўчаси, 1-уй.
Мурожаат учун телефон: 257-20-93, 257-13-53. E-mail: sergeli txtb@xtv.uz, sergelitxtb@inbox.uz

Реклама ўрнида

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат замирида, энг аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистонимизнинг доимо пешқадамлар сафида бўлишини таъминлаш каби устувор мақсадлар мужассам. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда барпо этилаётган муҳташам иморатлар, равон йўлу кўприклар, обод хиёбон ва гузарлар, намунавий турар жойлар – буларнинг барча-барчаси кўзланган ана шу юксак марраларимизга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эътиборлиси, мазкур жараёнда юртимиздаги молия муассасалари ҳам ўз сармоя ҳамда хизматлари билан фаол қатнашмоқда. Пировардида жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами йилдан йилга кенгайиб, юртдошларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириши, замонавий қулайликлардан баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир.

Албатта, Ўзбекистон молия-банк тизими изчил ислоҳ этилиб, босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилаётгани бу борада янги ташаббуслар, истиқболли лойиҳалар рўёбига кенг йўл очмоқда. Шу маънода Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминлангани қувонарлидир.

Хусусан, бундай юқори ўсиш суръатларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Бугун "Ўзмиллийбанк" Тошкент шаҳар Яшнобод бўлими мижозига айланиб улгурган, ҳозирда Тошкент вилояти Янгийўл туманида фаолият олиб бораётган "BAHROM TRADE GROUP" МЧЖ корхонаси мана бир неча йиллардан буён ўзининг сифатли маҳсулотлари билан омма эътиборига тушиб келмоқда. Асосий фаолияти матога ипли нақшли гул босиш, яъни технологик каштачиликка ихтисослашган ушбу корхонада ҳозирда 50 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритаётган бўлиб, шулардан 18 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этади.

– Корхонамиз ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, – дейди корхона раҳбари Зиёвуддин Мамажонов. – Шунга қарамай, технологик каштачилик асосида тайёрланаётган матоларимиз юртдошларимизга манзур бўлмоқда. Сир эмас, бугунги соғлом рақобат муҳити тадбиркордан доимий изланишни талаб этади. Харидорлар истагидан келиб чиқиб иш юритиш учун эса янгиликка интилиш зарур. Шу сабабли керакли янги ускуналарни сотиб олиш мақсадида "Ўзмиллийбанк"га кредит сўраб мурожаат қилдик. Молия муассасаси мутахассислари мурожаатимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, корхонамизга 585 650 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига хориждан энг сўнгги русумдаги ускуналарни сотиб олдик.

Корхонанинг келгусидаги режалари ҳам катта. Хусусан, жорий йилнинг охирига қадар ярим тайёр мато маҳсулотларини экспортга чиқариш ва шу орқали янги иш ўринларини 300 тага етказиш, уларнинг 30% га яқинини касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳисобидан ташкил қилиш корхонанинг бугунги кундаги энг олий мақсадларидандир.



Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш учун улкан имкониятларга эга бўлган, иқтисодиётнинг муҳим жабҳаси ҳисобланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш масаласига "Ўзмиллийбанк" томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва юқори технологияга асосланган янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган, импорт ўрнини босадиган истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳам "Ўзмиллийбанк" фаолиятининг стратегик йўналиши ҳисобланади.

"Ўзмиллийбанк"
матбуот хизмати
Хизматлар лицензияланган

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси тери-таносил касалликлари кафедрасининг профессори Атхамжон Шавкатович Ваисовга волидаи муҳтарамаси

Халима Нуритдиновна ХОДЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ХАЙР БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ!

Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом, билимли ва баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Соғлом она ва бола йилида бу борадаги ишлар кўлами янада ортди.

Дарҳақиқат, болажонлар ҳаётимиз мазмуни, орзу-умидлар тимсоли. Чунки фарзандлар туғилиши билан орзу-ниятлар уйғонади, бу гўзал ҳиссиётлар улар билан улғаяди Айнан шунинг учун ҳам кичкинтойлар энг азиз туйғуларимиз, барча ҳаракатларимиз, интилишларимиз марказида яшайди. Ҳаётимиздаги энг ёруғ кунларимиз, ўзимиз эришмаган юксак чўққилар тимсолида уларни кўрамиз.

Биз мана шундай ширин хаёллар оғушида Миробод туманида жойлашган 389-мактабгача таълим муассасасига кириб келганимизда кўнглимиз янада ёришиб кетди. Ширинтойлар таълим-тарбия олиб, шу билан бирга яйраб-яшнаб вояга етадиган, мактаб деб аталмиш қутлуғ остонага илк қадамларни дадил қўйишга тайёрлайдиган ушбу маскандаги тозалик-озодалик, гулу чечаклар ифори, ҳар бир гуруҳдаги яратилган шарт-шароитлардан баҳри-дилимиз очилди.

Бугун ушбу тарбия масканида кўтаринкилик, шоду хуррамлик, болажонлар кўзида қувончу шодлик ҳукмрон. "Хайр боғча, салом мактаб!" деб номланган ушбу тадбирда болажонлар "Болалигим-пошшолигим", "Болалигим — беғуборлигим", "Болалигим — бахтиёрлигим" деб куйлашмоқда. Мехрибон тарбиячи опалари ўгити орқали олган илк сабоқлари, билим, иқтидор ва истеъдодларини намоён этиб, шеър, қўшиқ, топишмоғу масалларни айтиб, куйлаб рақсга тушишмоқда.

— Муассасамизда 255 нафар кичкинтой тарбияланмоқда, — дейди 389-мактабгача таълим муассасаси мудираси Вазирахон Исломова. — Улар учун чет тилларини ўргатиш, рақс, расм тўгаракларида мунтазам иш олиб борилади. Бугунги кунда келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб, меҳр ва эътибор қаратилган. Биз шундан келиб чиққан ҳолда "Болажон" давлат дастури асосида таълим-тарбияни олиб бориб, болажонларимиз жисмини, руҳиятини тинчликсевар, меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, сабр-бардошли халқимизга муносиб қилиб тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз. Уларга меҳри дарё, ўз ишининг фидойиси, ўғил-қизларни жон-дилидан яхши кўрувчи Мавлуда Охунжонова, Ли Юлия, Юдина Константина, Гулнора Абдуллаева каби тарбиячилар меҳр билан илк сабоқларни бермоқдалар. Айни пайтда 3 та тайёрлов гуруҳидаги 78 нафар болажонлар мактабда ўқишни бошлашга ҳозирлик кўришмоқда. Уларнинг қувончини кўриб кўнглимиз завққа тўлмоқда.

— Болажонлар бир сирли тилсим, уларнинг ўзига яраша беғубор олами бор, — дейди тарбиячи Мавлуда Охунжонова. — Мана шу оламда бирга бўлиш учун сиз уларнинг кўнглини топишингиз, қувончига шерик бўлиб, йиғласа овута олишингиз керак. Муассасамиз экологик тарбияга ихтисослашгани учун уларга табиат ҳақида, ўсимлигу ҳайвонот дунёси, уларни асраб-авайлаш ҳақида кўпроқ маълумот беришга, жажжи юракларида меҳр-муҳаббат уйғотишга интиламиз. Истиқлол фарзандлари кечагидан зукко, топқир, эпчил. Шунга яраша тарбиячи ҳам бугунги кун талаби билан қадам ташлаши, ўғил-қизларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом вояга етишига ҳисса қўшиши керак.

Қувноқ ва шодон рухда ўтаётган ушбу кечадан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Болажонларимизни шу шодон кайфият, бизни эса бу руҳиятни асраш, эртанги кунга дилбандларимизни меҳр-муҳаббат ила кузатиш ҳисси тарк этмасин, деб қоламиз.



Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: "Хайр боғча, салом мактаб!" тадбиридан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

Футбол янгиликлари

РЕЙТИНГДА ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

ФИФА ташаббуси билан миллий терма жамоаларнинг май ойи учун янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Аввалги рейтингда 66-ўринда қайд этилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси бу сафар ҳам ушбу ўринга лойиқ кўрилди ва аввалги мавқеини сақлаб қолди.

Осиё миқёсида эса миллий терма жамоамиз Эрон, Жанубий Корея, Япония, Австралия, Саудия Арабистонидан кейин олтинчи поғонани банд этди.

Рейтинг жадвалини Аргентина пешқадам сифатида бошқараётган бўлса, ундан кейинги ўринлар Бельгия ва Колумбияга тегишли.

Шунингдек, аёллар терма жамоалари ўртасида эълон қилинган янги рейтинг жадвалида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 42-поғонага лойиқ кўрилган. Аввалги рейтингда 43-поғонада қайд этилган аёллар терма жамоамиз бу сафар бир поғона юқорилаган. Қитъа миқёсида эса аёллар терма жамоамизга 9-ўрин насиб этди.

Пойтахтимизда Марказий Осиё футбол ассоциацияларининг навбатдан ташқари конгресси бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФУТБОЛИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Унда йиғилган футбол мутасаддилари ва мутахассислари Марказий Осиёда футболни ривожлантириш масаласини кўриб чикди ҳамда қўмиталар таркибини аниқлаб олишди. Дарвоқе, конгрессда жорий йилнинг иккинчи ярмида 19 ёшли (йигитлар) ва 18 ёшли (қизлар) тоифасида футбол мусобақаси ташкил этишга келишиб олинди. Тадбир қатнашчилари пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Спорт медицинаси илмий-тадқиқот марказига ҳам ташриф буюриб, юртимиз спорти ривожи йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан ҳам яқиндан танишишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман тасарруфидаги қуйидаги мактабларда соғлом овқатланиш шарт-шароитини яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ўртасида мактаб ошхоналарига хизмат кўрсатиш бўйича тендер-танловлари 2016 йил 14 июль соат 10.00 да Юнусобод туман, 13-мавзе, Юнусобод ТХТМФМТТЭБда ўтказилишини маълум қилади.

Талабгорлар Юнусобод туман ХТМФМТТЭБга 2016 йил 10 июль соат 18.00 га қадар мурожаат этишлари мумкин.

Танлов комиссиясига мухрланган конвертда (агар муҳр мавжуд бўлса) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш тавсия этилади:

— умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисидаги маълумотнома

— махсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома

— бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси

— талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари

— талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий-намунавий таомномалар

Мурожаат учун манзил: **Taskent shahar, 100194, Юнусобод тумани, 13-мавзе, телефон: (99871) 224-54-69. wed-site: yunusobodtxtb.uz, E-mail: yunusobod txtb@xtv uz**

Юнусобод туманидаги мактабларнинг юридик манзили

1	5-мактаб	Марказ 4	15	97-мактаб	Юнусобод 15	29	259-мактаб	Юнусобод 10
2	9-мактаб	Марказ 6	16	98-мактаб	ТошГРЭС микрорайон	30	260-мактаб	Юнусобод 8
3	12-мактаб	Юнусобод 13	17	105-мактаб	Жаҳон Обидова	31	265-мактаб	Юнусобод 10
4	17-мактаб	Марказ 2	18	117-мактаб	Хитой кўчаси	32	271-мактаб	Чимкент йўли кўчаси
5	21-мактаб	Юнусобод 6	19	122-мактаб	Юнусобод 17	33	272-мактаб	Рафиқов кўчаси
6	43-мактаб	Ниёзбек йўли кўчаси	20	150-мактаб	Аваз Ўтар ўғли кўчаси	34	273-мактаб	Юнусобод 15
7	51-мактаб	Халқобод кўчаси	21	220-мактаб	Юнусобод 4	33	272-мактаб	Рафиқов кўчаси
8	58-мактаб	О.Зокиров кўчаси	22	235-мактаб	Юнусобод 8	34	273-маткаб	Юнусобод 15
9	63-мактаб	Шаҳристон кўчаси	23	240-мактаб	Юнусобод 11	35	274-мактаб	Бобур кўчаси
10	70-мактаб	Шивли 2	24	246-мактаб	Юнусобод 13	36	288-мактаб	Юнусобод 18
11	80-мактаб	Марказ 5	25	247-мактаб	Юнусобод 15	37	302-мактаб	Юнусобод 4
12	86-мактаб	Юнусобод 7	26	250-мактаб	Юнусобод 14	38	313-мактаб	Ҳасанбой даҳаси
13	87-мактаб	Юнусобод 2	27	257-мактаб	Юнусобод 19	38	313-мактаб	Ҳасанбой даҳаси
14	96-мактаб	Т.Жалилов к. 48	28	258-мактаб	Юнусобод 19	39	327-мактаб	Ҳасанбой даҳаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Олмазор туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2016 йилнинг 10 июндан 10 июль соат 18-00га қадар Олмазор тумани, Ниёзова кўчаси, 19-уй (Олмазор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техника базаси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган талабгорлар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

— умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;

— махсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;

— бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;

— талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;

— талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танлов 2016 йилнинг 19 июль куни соат 11.00да Олмазор тумани Ниёзова кўчаси, 19-уй, кичик мажлислар зали (Олмазор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан olmazortxtmfmtteb.zn.uz сайти орқали танишиши ва (+99871) 246-33-75, 227-15-06; (+99890) 963-07-36 телефонлари ҳамда olmazor_txtb@xtv.uz электрон почта манзили орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Олмазор тумани таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

т/р	Мактаб рақами	Мактаб манзили
1	1-мактаб	Пахта кўчаси, 16-уй
2	11-мактаб	Сағбон кўчаси, Мақола 31-уй
3	15-мактаб	Тансиқбоев-1 даҳаси
4	16-мактаб	Чуқурсой даҳаси, 2-тор
5	22-мактаб	Себзор маркази, 17/18
6	24-мактаб	Сағбон кўчаси, 109-уй
7	28-мактаб	Қорасарой кўчаси, 219-уй
8	29-мактаб	Ходжаев кўчаси, 21-уй
9	36-ёрдамчи мактаб	Нодира кўчаси, 17-уй
10	46-мактаб	Беруний-3 Матлубот кўчаси
11	111-мактаб	Фаробий кўчаси, 270-уй
12	119-мактаб	Нодира кўчаси, 19-уй
13	133-мактаб	Қора-Қамиш, 1/1
14	134-мактаб	Тансиқбоев-3, 39-уй
15	146-мактаб	Себзор маркази, 17/18
16	159-мактаб	Минора кўчаси-3
17	165-мактаб	Қора-Қамиш 1/4, 25-а уй
18	185-мактаб	Галаба-3 а
19	191-мактаб	Қора-Қамиш 2/1, 47-а уй
20	196-мактаб	Қора-Қамиш 2/1 даҳаси, 5-а уй
21	219-мактаб	А.Юнусов-21
22	224-мактаб	Хўжалик кўчаси, 55-уй
23	233-мактаб	Қора-Қамиш 1/2
24	234-мактаб	Қора-Қамиш 2/4
25	242-мактаб	Қора-Қамиш 2/4
26	243-мактаб	Беруний 369-а уй
27	249-мактаб	Нозимахоним 3-тор кўчаси
28	261-мактаб	А.Ибрагимов 4-уй
29	278-мактаб	Олимпия мавзеси, Муҳбир кўчаси
30	298-мактаб	Беруний Б-1
31	315-мактаб	Бўстон кўчаси
32	326-мактаб	Зиямова кўчаси-3

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Умид – бахт калити.

* * *

Бировдан қизғанганинг кўпинча ўзингга ҳам буюрмайди.

* * *

Бахилнинг моли бировники.

* * *

Узун тил умр эгови.

* * *

Бахтнинг ҳам қаноти бор.

* * *

Кўнглингга келганини эмас, қўлингдан келганини қил.

* * *

Бирни биров берса, мингни меҳнат беради.

* * *

Бировники буюрмас.

* * *

Ёмон билан ёқалашиб обрў ололмайсан.

* * *

Эр ўғли – эл ўғли.

* * *

Нимадандир воз кечмай нимагадир эришиб бўлмайди.

* * *

Кўпнинг гапи кўп.

* * *

Кўпни кўриш кифоя қилмайди, кўпни билиш керак.

* * *

Одамнинг тафтини одам олади.

* * *

Ҳурматини билмаган ҳурматини йўқотади.

* * *

Ҳазилни қил билганга, Қўшилишиб кулганга.

* * *

Пулинг етмаган молга харидор бўлма.

* * *

Таниш-билиш, дўст-оғайни, ҳамроҳ, ҳатто сирдош топиш мумкин, лекин дардкаш топиш ҳаммасидан қийин.

* * *

Ҳаракатда гап кўп.

* * *

Бор мақтанса ярашар, Йўқ мақтанса адашар.

* * *

Ўзи йўқнинг кўзи йўқ.

* * *

Кўними йўқ кишининг Унуми йўқ ишининг.

* * *

Ноҳақ уриб енгади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

39-41 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **9 июнь** ва **10 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрида **9 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.00
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ